

Чирчиқ давлат педагогика университети таълим сифатини назорат қилиш бўлнимининг 2023 йили фаолияти бўйича йиллик

ХИСОБОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 - йил 27 - мартдаги “Давлат олий таълим муассасаларида Таълим сифатини назорат қилиш бўлнимлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 72 - сонли буйруғидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича 2023 йилнинг 31 – мартауни ректорининг “Университетда таълим сифатини назоарт қилиш бўлими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 01-65 сонли буйруғи чиқарилган (буйруқ илова қилинади).

Ушбу буйруқ асосида Таълим сифатини назорат қилиш бўлими низоми ҳамда бўлим ходимларининг лавозим йўриқномалари замон талабларига мос ҳолда қайта кўриб чиқилди ва университет кенгаши томонидан тасдиқланди.. (тасдиқланган низом ва лавозим йўриқномалари илова қилинади).

Бўлим томонидан “Ўқишга қабул қилиш, ўзлаштириш, талабалар сафидан чиқариш, тан олиш ва сертификатлашнинг барча босқичларини тартибга солувчи олдиндан белгиланган, изчил қўлланиладиган “Академик қоида” (амалдаги норматив-хукуқий хужжатларга асосланган тартиб-қоидалар) ишлаб чиқилди. (қоида илова қилинади).

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 - йил 27 - мартдаги 72 - сонли буйруғидаги вазифаларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида Таълим сифатини назорат қилиш бўлнимининг 2023-2024 ўқув йили учун “Иш режаси ишлаб чиқилди ва бўлнимнинг барча фаолияти шу режа асосида амалга оширилмоқда. (Иш режа илова қилинади).

Таълим сифатини назорат қилиш бўлнимининг 2023 йил бўйича фаолияти қўйидагила йўналишларда олиб борилган:

Кафедраларда жорий ўқув йили бўйича мавжуд ўқув меъёрий хужжатлар ва иш юритиш самарадорлиги бўйича;

Чирчиқ давлат педагогика университетининг 2023 йилнинг 15 июндаги “Кафедраларнинг 2022/2023 ўқув йилидаги фаолиятини баҳолаш тўғрисида”ги 01-123 сонли буйруғи асосида кафедраларда жорий ўқув йили бўйича мавжуд ўқув меъёрий хужжатлар ва иш юритиш самарадорлигини ўрганиш билан бирга 2022-2023 ўқув йилига факультетлар ва кафедраларнинг янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолати ўрганилди. Камчиликларни бартараф этилиши назорат қилинди ва факультетларнинг кенгайтирилган кенгашларида муҳокама қилинди. Факультет ва кафедраларнинг янги ўқув йилига иш режаларининг, йўл хариталарининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда унинг университет стратегик режаларига мослиги таҳлил этилди.

Университетда кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва мониторингини олиб борилиши бўйича;

Университетда таҳсил олаётган бакалавриат таълим йўналишларининг 2-3 курс талабалари 27 октябр 2021 йилда (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 октябрдаги 35-2021-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021

йил 27 октябруда 43-ҳисоб рақами билан рўйхатга олинган), 4-курс талабалари 21 август 2015 йилда (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2015-йил 21-августдаги 303-сон буйруғи билан тасдиқланган ва “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган) тасдиқланган ДТС лари асосида таҳсил олмоқда.

Университетда 32 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 17 та магистратура мутахассисликлари мавжуд. 2023/2024 ўқув йилида қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ўқитилади, жумладан, бакалавриат таълим йўналишларига қуйидагилар:

1. 60110100-Педагогика
2. 60110200-Мактабгача таълим
3. 60110500-Бошланғич таълим
4. 60110600-Математика ва информатика
5. 60110700-Физика ва астрономия
6. 60110800-Кимё
7. 60110900-Биология
8. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари
9. 60111100-Тарих
10. 60111200-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
11. 60111300-Мусиқа таълими
12. 60111400-Ўзбек тили ва адабиёти
13. 60111500-Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти
14. 60111500-Она тили ва адабиёти: тожик тили ва адабиёти
15. 60111500-Она тили ва адабиёти: қозоқ тили ва адабиёти
16. 60111701-Ўзга тилли гурӯхларда рус тили
17. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили
18. 60111800-Хорижий тил ва адабиёти: немис тили
19. 60111900-Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт
20. 60112100-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
21. 60112200-Жисмоний маданият
22. 60112300-Технологик таълим
23. 60112600-Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)
24. 60112700-Маҳсус педагогика: тифлопедагогика
25. 60112700-Маҳсус педагогика: логопедия
26. 60112700-Маҳсус педагогика: сурдотаржимонлик фаолияти
27. 60310900-Психология (фаолият турлари бўйича)
28. 60411200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
29. 61010100-Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш
30. 61010400-Туризм (фаолият йўналишлар бўйича)
31. 61010500-Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти: инглиз тили
32. 60920100-Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)

магистратура мутахассисликларига қуйидагилар киради:

1. 70110102-Педагогика
2. 70110103-Таълим муассасаларининг бошқаруви
3. 70110201-Таълим-тарбия назарияси ва методикаси (мактабгача таълим)
4. 70110401-Маҳсус педагогика, дефектологи ва сурдопедагогика

5. 70110601-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиши методикаси (математика)
6. 70110602-Таълимда ахборот технологиялари
7. 70110701-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиши методикаси (физика ва астрономия)
8. 70110801-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиши методикаси (кимё)
9. 70110901-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиши методикаси (биология)
10. 70111101-Ижтимоий-гуманитар фанларни оъқитиши методикаси (тарих)
11. 70111201-Тасвирий санъат ва амалив безак санъати
12. 70111501-Она тили ва адабиёти :ўзбек тили ва адабиёти
13. 70111501-Она тили ва адабёти :рус тили ва адабиёти
14. 70111801-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
15. 70111801-Хорижий тил ва адабиёти (немис тили)
16. 70112201-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси
17. 70310901-Психология (фаолият турлари бўйича).

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 9 июнданги “Олий таълимнинг меъёрий-услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиши жараёнини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон буйруғига мувофиқ Мувофиқлаштирувчи соҳа кенгашлари томонидан ишлаб чиқилган ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 7 августдаги 344-сон буйруғи билан тасдиқланган, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан ишлаб чиқилган малака талаблари асосида ўқув режалари, фан дастурлари (силлабус) ишлаб чиқилган.

2023-2024 ўқув йили учун ишлаб чиқилган ўқув режалари, фан дастур (силлабус)лари университетнинг 2023 йил 29 августдаги 1-сон Кенгашида муҳокама қилиниб, тасдиқланган.

Мунтазам равишда талабалар билимининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ҳамда талабаларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси ўрганиб борилганлиги ва тахлил қилинганлиги бўйича;

Университет ректоринг 2022 йил 12 декабрдаги “Аттестациядан ўтказиши жараёнига тайёргарлик кўриш тўғрисида” ги 300-сон буйруғига асосан ҳар бир таълим йўналиши ва магистратура мутахиссликлари кесимида кадрлар тайёрлаш сифати ўрганиб чиқиши бўйича ишчи груп шакллантирилган бўлиб, унда вазифалар груп аъзоларига бириктириб берилган ва ўрганиш натижалари кенгашга тақдим қилинган (Буйруқ илова қилинади).

Университетда шу буйруқ асосида мунтазам равишда талабалар билимининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ҳамда талабаларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси ўрганиб борилган. Жумладан, университетда сессия якунларида факультет ва фанлар кесимида ўзлаштириш кўрсатгичлари мониторинги олиб борилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича йўл харитаси тузилиб, унинг ижроси доимий таъминланган.

Қолаверса, якуний давлат аттестацияси “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси

тўғрисида”ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 - майдаги 160-сон буйруғи билан тасдиқланган, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2021 - йил 10 - ноябрдаги 38-2021-сон буйруғи билан ўзгартириш киритилган), университет ректорининг Якуний давлат аттестасияси раисларини тасдиқлаш ва ўтказиш тўғрисидаги 2023 - йил 13 январдаги 01-9 – сонли, 2023 - йил 17 майдаги 01-326 – сонли ички буйруғи ишлаб чиқилди.

Профессор-ўқитувчиларнинг дарс бериши ҳамда дарс жараёнларининг сифатини мунтазам равища таҳлил қилиш бўйича;

2023 йил 27 октябрдаги “Университетни ички баҳолашга тайёрлаш ва таълим сифатини янада яхшилаш тўғрисида” ги университетда педагогик фаолият олиб борадиган профессор-ўқитувчиларнинг дарс бериши ҳамда дарс жараёнларининг сифати бўлим ходимлари ва эксперталар томонидан мунтазам равища “Дарс сифат кўрсаткичлари” орқали таҳлил қилиб борилган. Университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув машғулотлари ҳар семестрда камида бир марта таҳлил қилинган. Дарс 16 сифат кўрсаткичлари бўйича баҳоланиб, энг максимал балл 100 баллни ташкил этади. Уларнинг дарс сифатини таҳлил қилиш мақсадида таълим сифатини назорат қилиш бўлими ходимлари, ўқув бўлими, деканат ходимлари, кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилардан иборат 20 кишилик экспертлар гурӯҳи ишчи гурӯҳ тузилиб, аниқланган камчиликлар ҳар ойда бўлиб ўтадиган университет кенгашига тақдим этилди.

2023-2024 ўқув йилида жами 728 нафар профессор-ўқитувчиларнинг машғулотлари таҳлил қилинган бўлиб, ўртача кўрсаткич 70-80 баллни ташкил қилганлиги маълум бўлди. Машғулотларнинг таҳлили натижасида “Дарснинг илмийлик даражаси”, “Талабаларнинг дарсни қабул қилувчанлик даражаси” ва “Дарсда талабаларнинг фаоллик даражаси” бошқа кўрсаткичларга нисбатан камроқ балларга баҳоланган аниқланди.

Бундан ташқари ташқари ўқув машғулотлари университетнинг барча ўқув хоналарга ўрнатилган вебкамералар ёрдамида ҳам ўрганиб борилмоқда.

Жорий ўқув йилидан бошлаб профессор-ўқувчилар томонидан амалга оширадиган ўқув машғулотлари талабалар томонидан “телеграмм” мессенджери орқали онлайн баҳолаш тизими ҳам йўлга қўйилган. Бунда ўтилган машғулот мессенжер орқали онлайн равища дарс давомида талабалар ва бошқа иштирокчилар томонидан “Аъло”, “Яхши”, “Ўрта” ва “Қониқарли” баҳоларга баҳоланади. Бу жараённи ўқитувчи ўз-ўзини баҳолаш учун ҳам фойдаланиш имкониятига эга.

Мунтазам равища ўқув жараёнини норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган талаблар асосида тўғри ташкил этилганлиги мониторинги ва НЕMIS тизимидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили бўйича;

Чирчик давлат педагогика университетига “Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 14 апрелдаги 213-Қарориниг 6-бандига мувофиқ

малака талаблари, ўқув режа, фан дастурларини мустақил ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш хуқуқи берилган. Шунга кўра:

1. 1-курсларнинг барча йўналишлари учун ўқув меъёрий ҳужжатлари 2023-йил 27 августдаги Чирчиқ давлат педагогика университети кенгашининг 1-сонли кенгайтирилган мажлиси баённомасида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

2. 2-курсларнинг барча йўналишлари учун ўқув дастурилари 2022-йил 27 августдаги Чирчиқ давлат педагогика университети кенгашининг 1-сонли кенгайтирилган мажлиси баённомасида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

3. 3-курсларнинг барча йўналишлари учун ўқув дастурилари 2021-йил 30 августдаги Чирчиқ давлат педагогика университети кенгашининг 1-сонли кенгайтирилган мажлиси баённомасида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

4. 4-курсларнинг барча йўналишлари учун ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил 30 ноябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7-декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

HEMIS тизимидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили 2023 йил 27 октябрдаги “Университетни ички баҳолашга тайёрлаш ва таълим сифатини янада яхшилаш тўғрисида” ги ректорининг буйруғи асосида тасдиқланган Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошчилик қиласидаги эксперталар гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Малака талабалари, ўқув режа ва дастурларнинг (мехнат бозори талабларига мос бўлган рақобатбардош кадрлар тайёрлашга мувофиқлигини таҳлил қилинганлиги бўйича.

Университетда кадрлар тайёрланадиган таълим йўналишларининг малака талабалари, ўқув режа ва дастурлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва тегишли вазирликларнинг буйрук ва топшириклари асосида, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.02.2020 йилдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сон қарори, 2022 йил 11 майдаги “2022 — 2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида ПФ-134-сонли Фармони асосида ва фармон ва қарорларнинг ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.04.2021 йилдаги 213-сон қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб университетнинг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2-4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотлари «4+2» тартибида, шу жумладан дарсларнинг 4 куни олий таълим муассасасида, 2 куни умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ тартибида олиб борилади.

Университет талабаларининг танишув ва малакавий амалиётларини, Тошкент вилояти мактабгача ва мактаб таълим бошқармаси тасрруфидаги таълим муассасалари ва Мехрибонлик уйлари, болалар мусиқа ва санъат

мактаблари, “Баркамол авлод” марказлари кўп тармоқлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 14-апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган - вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, университетнинг асосий стратегик тадқиқот йўналиши бўлган “Педагогик таълим инновацион кластери” бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларинг илмий-назарий хулосаларини амалиётга жорий этиш, университетда таълим сифатини ошириш жараёнига инновацион технология ва ёндашувлари татбиқ этиш мақсадида Университет тизимидаи барча кафедралар қошида “Педагогик таълимда инновацион кластер” дастури ва тегишли фан йўналишлари бўйича “Талабалар академияси” ташкил этилган.

Таҳсил олаётган талабаларнинг бир қисмини ўрта маҳсус малака талаб этиладиган ва маъумот талаб этилмайдиган бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи лавозимларига ходимни намунавий штатлар асосида ишга жалб этилган.

Малака талабалари, ўқув режа ва дастурлаи меҳнат бозори талабларига мос бўлган рақобатбардош кадрлар тайёрлашга мувофиқлигининг яна бир кўрсаткичи сифатида битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

2021-2022 ўқув йилида университетни битирган 1378 нафар битирувчилардан 1283 нафар (93,5 %) талабаларнинг умумий бандлиги таъминланган. Шундан: 1283 нафар (89,5 %) талабалардан 1064 нафари (82,9 %) мутахасислиги бўйича, 90 нафари (7.0 %) бошқа соҳаларда ишга жойлашган. Колган 10,1 % бола парвариши таътилида эканлиги аниқланган.

Ўқув машғулотларини замонавий педагогик технологиялар ва ахборот технологиялари асосида ташкил этилганлиги бўйича;

Ўқув машғулотларини замонавий педагогик технологиялар ва ахборот технологиялари асосида ташкил этилган бўлиб, бу жараёнга 693 та замонавий компьютерлардан ташкил топган 15 та компьютер синфлари, 13 та электрон доска, 120 проектор ва 12 та смарт монитор жалб этилган.

Университет кампусида очик осмон остидаги биология, кимё, география ўқув майдончалари ва ўқув лобараториялари такшил этилган бўлиб, амалий машғулотлар олиб борилади. Ундан ташқари география фанини ўқитища замонавий SMART хона, IT-маркази, мактабгача таълим факультетининг боғча лабараторияси, психологик марказ ва бир қатор қўшимча фаолияти ташкил қилинган.

Университетда ўқув жараёнида илгор ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш учун барча шароитлар яратилган бўлиб, барча биноларда ўқувчиларнинг интернет тармоғидан фойдаланишларига шароит яратиш мақсадида Wi-Fi қурилмалари ўрнатилган.

Ўқув жараёнига профессор-ўқитувчилар томонидан илгор интерфаол педагогик усуллар кенг қўлланилиб келинмоқда. Маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида турли интерфаол, хусусан, ақлий ҳужум,

балиқ скелети, баҳс-мунозара, БББ график органайзери, блиц-сўров, бумеранг, Венн диаграммаси, инсерт, кластер, кейс-стади, беш минутли ессе, моделлаштириш, муаммоли вазият, нилуфар гули, савол-жавоб, СWOT – таҳлил, Т-жадвал ва ҳ.к каби усуулардан доимий равишда фойдаланилган. Клиник фанларда Уч босқичли интервью, идрок харитаси каби усуулар оммалашган.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда шаффоффлик ҳамда холисликни таъминланганлиги таҳлили бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарори ҳамда “Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги 19-2018 - сонли буйруғида тасдиқланган Низом талаблари асосида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда шаффоффлик ҳамда холисликни таъминлаш мақсадида университет ректорининг тегишли буйруғи асосида ишлар амалга оширилади.

2022-2023 ўқув йили учун талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда шаффоффлик ҳамда холисликни таъминлаш мақсадида университет ректорининг 2022 йил 16 декабрда 01-306 – сонли, 2023 йил 13 майда 01-94 – сонли буйруқлари чиқарилган бўлиб, унда ўқув йили давомида оралиқ ва яқуний назоратларни ўтказилишини назорат қилиш бўйича университет Штаби ташкил қилиш ва унинг асосий вазифалари этиб талабала билимини баҳолашни адолатли ташкил этиш, фанлардан яқуний назоратларни сифатли ўтказилиши ҳамда шаффоффликни таъминлаш юклатилган.

Университет ректорининг 2023-йил 17-майдаги “Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини тасдиқлаш ва яқуний давлат аттестацияларини ўтказиш тўғрисида” 03-326-сонли буйруғига асосан 2023-йилнинг 5-13-июн кунлари битирувчи босқич талабаларидан яқуний давлат аттестация тестлари қабул қилинган. Жами 3663 нафар битирувчидан 3157-нафар тестларни мувофақиятли топширган. Колган 506-нафари етарли балларни тўплай олишмаган.

Таҳлиллар шуни кўрсадики, ўтган ўқув йилида битирувчи талабаларни инобатга олмагандага жами 1244 нафар (7,3%) талабалар “аъло” баҳога, 4179 нафар (24,7%) талабалар “яхши” ва 11204 нафар (66,1%) талабалар “ўрта” баҳо олган. 322 нафар (1,9%) талаба фанларни етарли даражада ўзлаштирганланганлиги аниқланган. Ўзлаштирган талабалар учун қайта кўшимча ўқув машғулотлари ўтказилган.

Талабалар билимини баҳолашда шаффоффлик ҳамда холисликни таъминланганлиги таҳлили сифатида университетда ҳар ўқув семестри якунида ректор буйруғи асосида талабалар ўртасида сўровнома ўтказилган. Университетнинг 2023 йил 1 майдаги 01-85 – сонли буйруғи асосида ўтказилган сўровномада 6461 нафар талабалар иштирок этган. Сўровнома

натижалари университет кенгашида мухокама қилинган ва тешгишли қарорлар қабул қилинган.

Профессор-ўқитувчиларнинг малака оширганлиги бўйича.

Чирчиқ давлат педагогикауниверситетининг профессор-ўқитувчилари Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказларида мунтазам равишда малака ошириб келадилар ва бу жараён мунтазам ўрганиб борилади. Ўрганиш натижаларига кўра:

- 2022 йилда профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш бўйича режаси 85 нафарни ташкил қилади. 63 нафар профессор-ўқитувчилар малака ошириш курсларига жалб қилинган ва курсларни муваффақиятли тутатиб малака сертификатларига эга бўлишди. Курсга маълум бир сабабларга кўра қатнашмаганлар 22 нафарни ташкил етган.

- 2023 йилда профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш бўйича режаси 82 нафарни ташкил қилади. Шу кунга қадар жами 61 нафар профессор-ўқитувчилар малака ошириш курсларига жалб қилинган. Шундан 53 нафар профессор-ўқитувчи курсларни муваффақиятли тутатиб малака сертификатларига эга бўлишди. Курсга маълум бир сабабларга кўра қатнашмаганлар 8 нафарни ташкил етади.

Профессор-ўқитувчиларни ишга олиш жараёнларини шаффоғлиги, уларга ўқув юкламасиниadolatli taқsimlanғanligi taҳliли.

Университетда бўш вакант жойларга профессор-ўқитувчиларни ишга олиш жараёнларини шаффоғлигини таъминлаш, уларга ўқув юкламасиниadolatli taқsimlanғanligi taҳliл қилиш мақсадида хар йили, жумладан 2023 йили 27 июлда университет ректорининг “Педагог ходимлар ва тьюторларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида”ги 01-160 – сонли буйруғи чиқарилган. Унга кўра университетда педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш бўйича ишчи гурӯхи шакллантирилган бўлиб, у 2022/2023 ўқув йили давомида фаолият юритади. Ишчи гурӯх зиммасига:

- мавжуд иш ўринлари тўғрисидаги эълонларни жойлаштириш ва ушбу иш ўринлари ҳақидаги маълумотни кенг оммага қулай ва янада шаффоғ тарзда (университет веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва ҳ.к.) етказиш;

- танловда иштирок этаётган барча талабгорларнинг ҳужжатларини, педагогик компетенсияларини, билим ва даъво қилинаётган лавозим талабларига мослигини кўриб чиқиш;

- танлов жараёнида шаффоғлик, ҳаққонийлик ва демократия тамойилларига амал қилиш;

- талабгорларни ишга қабул қилиш бўйича тавсиялар тақдим этиш вазифалари юклатилган.

Буйруқга кўра 2022/2024 ўқув йилида кафедраларига ишга кирмоқчи бўлган талабгорлар, белгиланган муддатда, тегишли кафедраларнинг кенгайтирилган очиқ мажлисида синов дарси ўтиб беради, синов дарси натижалари бўйича тегишли кафедра мудирлари томонидан ишчи гурӯхга ахборот тақдим этиб борилади.

Ишга олинадиган талабгор фан дастурида берилган дарс машғулотларидан бири бўйича тақдимот тайёрлаб, кафедра етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамда кафедра мудири кузатувида очик дарс машғулотини ўтказиб, ўтказилган дарс машғулоти бўйича баҳолаш ваарақасини тақдим этиши йўлга қўйилган.

Факультет деканлари талабгорларнинг синов дарс ўтказишларини таъминлайди, синов дарс натижалари бўйича кенгайтирилган очик мажлисини ўтказади ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқади. Ишчи гурух амалга оширилган ишлар юзасидан баённомалар расмийлаштирган ва қарорларида университетда педагогик фаолият юритиш учун тавсия этилган талабгорлар рўйхатлари келтирилган.

Чирчик давлат педагогика университетининг 2023 йилнинг 27 июлдаги “Педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида” ги 01-160 сонли буйруғи асосида амалга оширилиб, университет ишга қабул бўйича ариза билан мурожаат қилган талабгорлардан белгиланган тартибда очик дарслар ўтказилганлиги, университет миқёсида сифатли таълимни йўлга қўйиш мақсадида муентазам равища факультетлар кесимида вебкамералар орқали дарс таҳлиллари амалга оширилди. Аниқланган камчиликлар бўйича масъулларга керакли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Ахборот-ресурс марказининг ҳолати, фанлар бўйича дарсликларнинг мавжудлиги, талабаларга яратилган шароитларни муентазам таҳлил бўйича ;

Университет таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси, нашр режасини бажарилиши ва замонавий адабиётлар харид қилиниши доимий равища таҳлилий ўрганиб борилган.

Ахборот-ресурс марказига 2022 йилда университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 8 номда 114 нусхада бадиий адабиётлар харид қилинган бўлса, 2023 йил март ойининг ўзида 3 номда 13 нусхада илмий адабиётлар, 14 номдаги 1350 нусхада дарсликлар, 49 номдаги 4850 нусхада ўқув қўлланмалар, жами 66 номда 6213 нусхадаги адабиётлар қабул қилинган.

Марказ фондига 2023 йилда университет профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган 63 номда 6200 нусхадаги дарслик ва ўқув қўлланмалар электрон шакли билан биргаликда тақдим этилган.

Шунингдек, 2023 йилда университет таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларида фанлар бўйича талабалар томонидан энг кўп фойдаланилаётган 69 номдаги 3450 нусхадаги дарслик ва ўқув қўлланмалар университет таҳrir-нашр бўлими томонидан чоп эттирилиб, АРМ фонди бойитилган.

АРМда жами 154297 нусхада 50582 номдаги, шундан:

дарсликлар: 22418 нусхада 4626 номда;

ўқув қўлланмалар: 49470 нусхада 6140 номдаги;

илмий адабиётлар: 561 нусхада 222 номдаги;

бадиий адабиётлар: 45100 нусхада 36697 номдаги;

хорижий адабиётлар: 2421 нусхадаги 1157 номдаги;

сиёсий адабиётлар 779 нусхадаги 219 номдаги;
ҳомийлардан берилган адабиётлар 4624 нусхадаги 1673 номдаги
электрон адабиётлар 34109 та, аудио 745 та адабиётлар мавжуд.

АРМ фондидан 2743 номдаги адабиётлар электрон шаклга ўтказилган.

Электрон ўқув залида 100 та компьютер локал интернет тармоғига уланган. Minvuz.2 tas-ix 1000 Мбайт/сек мир. 300 Мбайт/сек. WI-FI зонаси мавжуд. “Scopus”, “Web of Sciense”, “EBSCO”, “library.ru” ва бошқа чет эл маълумотлар базасидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Чет эл маълумотлари базасидан талабалар ва профессор-ўқитувчилар фаол фойдаланмоқдалар.

АРМ яратган вебсайтларда QR кодли китоблар фанларга бўлинниб, талаба учун катта қулайлик яратган. Талабалари турар жойида 3 та янги кутубхона ташкил этилиб, талабалар фойдаланишига шароит яратилган. Ҳозирги кунга қадар қатнов -27469, китоб берилиши – 34415.

Университет рейтингини аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш бўйича;

Университетда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июлдаги 467-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ университет рейтинг кўрсаткичларини янада ошириш ҳамда илмий-педагогик фаолияти даражаси ва сифатини таъминлаш, рейтинг кўрсаткичларига оид маълумотларни пухта рўйхатлаш ва чуқур таҳлил қилиш бўйича штаб шакллантирилган бўлиб, барча маълумотлар бўлим томонидан яратилган ва университетнинг расмий сайтига (www.cspl.uz) жойлшатирилган платформа ёрдамида йиғилади. Ташпланган маълумотлар асосида хар чоракда факультет, кафедра ва профессор – ўқитувчиларнинг рейтинглари эълон қилиб борилади (<https://cspl.uz/otm-reytingi>). Университет 2021 йилда Миллий рейтингда 47 ўринни эгаллаган бўлса ўтган 2022 йилда 17 ўриндан жой олди.

Бўлим бошлиғи

Б. Эшchanов